




ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8 октябрь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанд «Ипак йўли» туризм халқаро университетига ЮНЕСКО кафедрасини тузиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистонда Марказий Осиё ёш олимлари минтақавий форумини ҳамда 2019 йилда Тошкентда «Ахборот технологиялари маданий меросини асраш хизматида» мавзuida Осиё форумини ўтказиш борасида келишувга эришилди.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муносабатларни янги босқичга кўтариш, томонлар олдида турган вазифаларни биргаликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдириди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ўзбек ва француз тилларида

чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентларо муносабатлар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламентларо ҳамкорлик гуруҳи тузилган, 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон — Франция» дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Франция инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

Франция билан кенг қўламли муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама амалий алоқаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва ҳудудлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламентларо алоқаларни аниқ йўналишлар бўйича, жумладан, қўшма тадбирлар ва ўзаро ташрифларни мунтазам ташкил этиш, тажриба алмашиш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Франция Сенати Раиси мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва янгиланишларни юксак баҳолади.

Ўзбекистон яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлик, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик ришталари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустақамлаш йўлида парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати биносини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Унда «Тоталь», «Тоталь Эрен», «Орано», «Фивс Штейн», «Ранжис Семмарис», «Винчи», «Суэц», «Сад», «Идемия», «Мерсис», «Талес Алениа Спейс», Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва химоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташқи савдо ва боғжона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартirilгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвестициялар бўйича кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилингани, унинг вазифаси инвесторлар фикрини инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон инвестиция муҳитини изчил яхшилаб бориш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат эканини таъкидлаб, франциялик сармоядорларни Кенгаш ишида фаол иштирок этишга тақлиф қилди.

Франциялик тадбиркорлар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб, валюта тизимининг либераллаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай имкониятлар яратганини таъкидлади. Бундай қўлайлик ва енгилликлар Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқишни кучайтирди. Давлатимиз раҳбари ташрифи арафасида умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар имзолангани бундан далolat беради.

Ўзбекистон ва Франция молиявий ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, ўзаро товар етказиш ва хизмат кўрсатиш ҳамжони ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Франция Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига расмий ташрифи доирасида Парижда икки мамлакат ишбилармон доиралари, илм-фан, маданият намоёндаларининг қўшма тадбирлари бўлиб ўтди. Қўйида ушбу тадбирларда Франция жамоатчилиги вакиллари билдирган фикрлар билан танишасиз.

Ўзбекистон — Франция: ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ МУНОСАБАТЛАР АРАФАСИДА

Фергал ГОЛДИНГ,**«Sofrecom» компаниясининг минтақавий директори:**

— Ўзбекистон жадал суръатларда ривожланмоқда. Бу жараёнда мамлакатда ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, хорижлик инвесторлар учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар яхши самара бериши табиий, албатта.

Компаниямиз телекоммуникация ва консалтинг хизматларини амалга оширади. Биз Ўзбекистондаги қўлай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланган ҳолда, «Ўзбектелеком» компанияси билан телекоммуникация соҳасида ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз. Албатта, режаларимиз улкан, янги ғоя ва тақлифларимизни ҳаётга татбиқ этиш ниятидамиз. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ҳамкорларимизнинг тажрибаси ҳам биз учун ғоят қадридлир.

Эммануэль ДЮПОИ,**Европада истиқболли таҳлил ва хавфсизлик институти президенти:**

— Ўзбекистон Президентининг Францияга илк расмий ташрифи тарихий воқеадир. Бу ташриф икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати очиклик, дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш тамойилларини ифода этади. Бу жиҳат Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ўз нуфузига эғалиги ва позициясини мустақамлаб бораётганида ҳам қўлga ташланади.

Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлигининг янги босқичи бошланмоқда. Бу борада нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа жабҳаларда ҳам алоқалар мустақамлашганлиги эътиборга молик.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг расмий ташрифи доирасида Францияда Буюк ипак йўли давлатлари маданият кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбир нафақат Шарқдан Европага йўл очиш, балки Ўзбекистон билан Франция ўртасида бутунлай янги муносабатларни шакллантиришга асос бўлади.

Арно САРЕД,**«Natixis» инвестиция банки экспортни молиялаш бўлими раҳбари:**

— Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали бўлиши қўлимизда. Биз Ўзбекистоннинг йирик молия муассасалари билан муносабатларни йўлга қўйиб, қайта тикланувчи энергия манбаларига оид лойиҳаларни молиялаштиришни режалаштирганмиз. Ўзбекистонда мўқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз бу соҳадаги тажрибамизни Ўзбекистонга ҳам татбиқ қилиб, тажриба алмашишдан манфаатдормиз.

Президент ташрифи доирасида жуда муҳим ва салмоқли ҳужжатларни имзолаш арафасида турибмиз. Ишонимизки, келажакда бизни биргаликда катта лойиҳаларни амалга оширишдек мақсадлар янада яқинлаштиради.

Наталья ХАНЖЕНКОВА,**Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Марказий Осиё ва Россия бўйича бошқарув директори:**

— Кейинги йилларда ЕТБ билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик муносабатлари янада мустақамлашди. Утган йили дастлабки олти лойиҳа устида иш бошладик. Айни пайтда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, давлат-хусусий шериклигини қўллаб-қувватлаш жараёнида иштирок этаёмиз.

Яқинда Ўзбекистонда келаси беш йилга мўлжалланган фаолият стратегиямизни тасдиқладик. Бу, албатта, мамлакатимиздаги фаолиятимизни янада самарали йўлга қўйишга асос бўлади.

Марк БОННЕЛЬ,**Франциядаги Авиценна ассоциацияси президенти:**

— Ўзбекистоннинг очик, конструктив сиёсати унинг халқаро мисқосдаги имкониятларини кенгайтирмоқда. Президентининг бу борадаги ташаббусларини қадрлаймиз. Абу Али ибн Сино нафақат улуг ҳақими ҳозир, балки қўллаб-қўлдоғи асарлар ёзиб қолдирган буюк алломадир. Катта мамнуният билан айтиш мумкинки, дунё Ўзбекистонни буюк шахслар ва боқий дурдоналар мамлакати сифатида қайта-қайта кашф қилиши учун сабаблар жуда кўп. Франция ҳам бугун ана шундай янги босқичдаги муносабатлар олдида турибди.

ЎЗА

Самарқанд давлат университетига 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиали иш бошлади.

ПРЕЗИДЕНТ АКАДЕМИЯСИНИНГ САМАРҚАНДДАГИ ФИЛИАЛИДА ЎҚИШ БОШЛАНДИ

— Бу ерда Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари малака оширади, — дейди филиалда ўқиш бошланиши муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этган академия проректори Х.Азизов. — Ўқув курсида 72 соатлик дастур асосида раҳбарлик фаолиятига оид мавзуларда дарс машғулоти ўтилади. Машғулотлар

замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион таълим технологияларини қўллаган ҳолда семинар, суҳбат, тренинг ва мустақил таълим шаклларида олиб борилади. Курсни муваффақиятли ўтаган тингловчиларга сертификат берилади. Ҳудудий филиалнинг дастлабки 30 нафар тингловчиси шу куни ўқишни бошлади.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИ, ЎЗБЕКЛАРНИ ЯХШИ БИЛИШАДИ

Франциядаги Авиценна ассоциацияси президенти Марк БОННЕЛЬ (ўнгда), Самарқанд давлат медицина институти ректори профессор Азамат ШАМСИЕВ билан.



ОБУНА — 2019

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИ, ЎЗБЕКЛАРНИ ЯХШИ БИЛИШАДИ

— дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти врач-ординатори Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига расмий ташриф буюриши ушбу мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда тарихий бир давр бошланганлигини кўрсатади. Фахр-ифтихор билан айтиш керакки, Францияда Ўзбекистонни, ўзбекларни, жуда яхши билишади.


Мен Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда Франциядаги Авиценна ассоциацияси президенти Марк Боннель билан учрашган эдим.

Марк Боннель ўша йили табиий офат пайтларида аҳолига шошлинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича шифокорларга маҳорат дарслари ўтиш учун Ўзбекистонга яна келган эди. Ушанда у Франциялик шифокорлар делегациясига раҳбарлик қилганди. Марк Боннель билан суҳбатларда унинг Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббатидан жуда ҳайратланганман. Марк Боннелнинг айтишича, у ўттиз ёшида Ибн Сино ҳаёти билан қизиқиб қолган. 1987 йилда Франциялик сайёҳлар гуруҳи таркибиде, 1997 йилда саломатлик лойиҳаси бўйича Ўзбекистонга келган.

2004 йилда Ибн Синонинг меросини ўрганиш ва уни Европада кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Авиценна ассоциациясини ташкил қилган. Бу ташкилотнинг сайёҳ-ҳаракатлари туфайли кўплаб ўзбекистонлик талабалар Францияда ўқиш имкониятини кўлга киритди.

Мен ҳам 2016 йилда Самарқанд давлат медицина институти талабаси сифатида ёзги амалиётни Франциянинг Сан Малоу шаҳрида жойлашган Марказий шифохонада ўтказдим. 2017 йилда Франциянинг тил ўргатиш бўйича «Лионс клуб» ташкилоти танловида иштирок этиб, грант асосида Франциянинг Тулуза шаҳридаги Марказий шифохонада амалиёт ўтасим. Францияга боришим фояси даставвал жаноб Марк Боннелдан чиққанди.

Жаноб Боннелнинг «Мен Ўзбекистонни иккинчи Ватаним деб биламан. Ўзбекистоннинг буюк тарихини, бетакрор табиатини, кўнгли очик одамларини қадрлайман, жуда яхши кўраман. Бу ердаги тинчликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни, диний бағрикенгликни бутун жаҳонга ўрнак қилиб кўрсатса бўлади», — деган эътирофи, бир ўзбек сифатида менда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Бу сўзларнинг маъносига Францияга сафарим давомида тушуниб, етдим. Французлар ҳам ўзбекларга ўхшаган содда, самимий халқ экан. Меҳмондўстликни ҳам жойига қўйишди, ҳамша кўзлари қулиб туради. Мен Францияда дўстлар орттирдим, кўплаб юртдошларимизни учратдим. Уларнинг деярли ҳаммаси нуфузли



давлат идораларида ишлайди, ҳурмат-этиборга сазовор инсонлар эканлигини кўриб, жуда қувондим.

Марк Боннель томонидан ташкил этилган Авиценна ассоциацияси Ўзбекистоннинг Ибн Сино жамғармаси билан яқин алоқада бўлиб келмоқда. Бундан бир неча йил аввал Франция тиббиёт академиясида бўлиб ўтган аънавий «Ибн Сино халқаро мукофоти»ни таъсис этишга бағишланган йиғилишда етти номинация бўйича Ибн Сино жамоат фонди биринчи ўринга сазовор бўлган эди.

Ушанда тадбирини очган Франциянинг собиқ бош вазири, сенатор Жан-Пьер Раффарин, Франциянинг Авиценна ассоциацияси президенти Марк Боннель ва Франция тиббиёт академияси президенти Пьер Бегё, MED-21 дастури президенти Мухаммад Нодир Азизлар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга юқори баҳо берган эдилар.

шида ўқиб, шифокор бўлиб етишганлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Жамоат фонди томонидан 2011 йилда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бадий Академияси ҳамкорлигида «Ибн Сино — менинг тасаввуримда» мавзусида ёшлар бадий кўргазмаси ўтказилди. Бухоро ва Хоразмда ташкил этилган VI-VII аънавий Ибн Сино ўқишлари ва илмий-амалий конференцияларда ўзбекистонлик ва французлик мутахассислар иштирок этишди. Шу билан бирга, онкология бўйича француз-ўзбек симпозиуми бўлиб ўтди.

Мен Францияда бўлганимда, тиббиёт академияси кутубхонасида Ибн Синонинг XV-XVIII асрга оид «Тиб қонунлари» асарининг лотин тилидаги таржимасини ўз кўзим билан кўришга муяссар бўлдим. Париж шаҳрида ташкил этилган Ибн Сино кутубхонасида бўлдим. Франциядаги Араб дунёси институти кутубхонасида Ибн Сино асарлари учун алоҳида ўрин ажратилган.

Марк Боннель жаноблари билан яқин кадрдонлик алоқаларимиз давом этмоқда. У Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлари асосида «Passion d'Ouzbekistan» «Ўзбекистон ҳайратлари» номли китоб ёзиб Францияда чоп эттирди. Бу китоб Ўзбекистонга келатган французлик сайёҳлар учун ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди.

Шу кунларда мен Марк Боннель билан ҳамкорликда ўзбек-рус ва француз тилларида «Ибн Сино феномени» деб номланган китоб ёздик. Бу китоб яқин кунларда босмадан чиқади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.

Франция билан маданий алоқалар тарихимизнинг зарли саҳифаларидан. Матълумки, буюк аждодимиз Амир Темури Франция қироли Карл IV билан ўзаро ҳамкорликка оид ёзишмалар олиб борган. Бугунги кунда ҳам ушбу аънавлар бардавом.

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:

АСРИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗИДАН

«Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти раиси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Авазжон МАРАҲИМОВ ўша мухбири билан суҳбатда ушбу мамлакат билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги ривожига ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди:

— «Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти ўз фаолиятини таълим, маданият, маърифат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш асосида ташкил қилиб келмоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг бай тарихи, адабий алоқалари, илм-фан соҳасидаги муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қатор дастурлар ишлаб чиқиблиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, ўтган йили пойтахтимизда ташкил этилган «Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ» мавзусидаги халқаро анжуман ва унинг самараларини ёдга олиш мақсадида мувофиқ, ушбу анжуман ўзбек таржимашунослик мактаби асосини, адабиётшунос олим Гайбулла ас-Салом таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Унда иштирокчилар мамлакатимизда таржима соҳасини янада ривожлантириш, тил ўрганишининг осон ва инновацион усулларида фойдаланиш, маданий алоқаларни яхшилаш борасида фикр алмашдилар.

Дўстлик жамияти Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда икки мамлакат миллий байрамларини ўтказиш, урф-одат ва аънавларини кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, ҳар йили 14 июлда Франция миллий байрами — Бастилия қалъаси шўғол қилинган кун муносабати билан Тошкентда тантанали маросим ва бадий кечалар ташкил этилади.

Дунё миқёсида юртимизнинг бой маданияти, ранг-баранг урф-одатлари, миллий хунармандлигига қизиқиш катта. Шунинча билан олган ҳолда, Францияда «Ўзбекистон

маданияти» кунларини ўтказиш, юртимизнинг сайёҳлик брендини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданий тадбир доирасида Францияда мамлакатимиз хунармандлари, тасвирий санъат намояндалари ва ҳайкалтарошлари ижодий ишлари намойиш этиб келинмоқда.

Ҳар йили август ойи жамиятимиз учун ўзгача тантана — бадий-адабий қишлоқ алоҳида тадбирларга бой бўлади. Ватанимизнинг Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон ва Франциянинг илмий доиралари вакиллари, шоир ва ёзувчилар иштирокида бадий кечалар уюштирилади. Тантаналарда француз ва ўзбекча миллий куй-қўшиқлар янграйди.

Жамиятимиз пойтахтимизда фаолият юритаётган «Тошкент Француз альянси» билан ҳамкорликда ҳар ойда бир марта «Француз адабиёти» асарлари билимдонни танловини ўтказиб келади. Шу орқали маданий-адабий ҳамкорликни давом эттириш ва француз бадий адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш учун қулай ижодий муҳит яратилади.

«Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамиятининг фаол аъзолари Тур шаҳрида аънавий тарзда ўтказиладиган «Тил ва маданият» фестивалида мунтазам қатнашади. Бу мамлакатларимиз дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиши ва халқ дипломатияси ривожига муҳим ўрин тутаяди.

Мухтасар айтганда, Соҳибқирон Амир Темурининг Франция давлати билан бошлаб берган дўстлик алоқалари бугун икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан юксак мақомада давом этмоқда. «Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти ана шу эзгу мақсад йўлидаги хайрли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

**ЎЗА мухбири
Дилобар МАМАТОВА
ёзиб олди.**

ФРАНЦИЯ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА ВИЗАСИЗ РЕЖИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Президентимиз раҳбарлигида юртимизнинг туристик брендини кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик имижини мустаҳкамлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инфратузлима, транспорт-логистика, меҳмонхона, сервис хизматлари кўрсатиш сифат жиҳатидан яхшиланаётгани, туризмда янги тармоқлар жорий этилиши ҳисобига соҳани диверсификация қилиш борасидаги ишлар шулар жумласидан.



Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифларида ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида»ги қарори асосида яқка тартибдаги жорий сайёҳлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона кириш туризм визалари жорий қилинди. Куня кеча Президентимиз фармони билан Франция фуқаролари учун ҳам визасиз режим қўлга киритган.

Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур тартиб Ўзбекистон билан Франция ўртасида маданий, илмий ва таълим алоқаларини ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида жорий қилинди.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритишдан аввал Франциянинг туризм салоҳияти, сайёҳликнинг ушбу мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтаск.

Франция 1990 йилдан буён дунёдаги энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган давлатлар рейтингининг энг юқори поғоналарида қайи эгилди. Ушбу мамлакатнинг ўзига хос ландшафти, тарихий-меъморий оби-

далари кўплиги, мўътадил иқлими, транспорт ва сервис хизматларининг аъло сифати сайёҳларни ўзига жалб этади. Францияда мазкур тармоқда 1 миллиондан ортиқ киши меҳнат қилади. Мамлакатда йилга 4 мингдан зиёд сайёҳлик тадбирлари ўтказилади. 2017 йил якунига кўра, Францияга 90 миллионга яқин сайёҳ келган ва туристлар энг кўп ташриф буюрадиган давлатлар рейтингига биринчиликти кўлга киритган.

Туризм Франция иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди. Сайёҳлик саноатининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши ўртача 7 фоизни ташкил қилади. Хатто мамлакатда инкироз қайд этилган 2012-2013 йилларда иқтисодиётни тиклаш ва инкирозга қарши туризмда туризм сектори муҳим ўрин тутган. Ўша кезларда Франциянинг туризм баланси 7,5 миллиард евродан 12,8 миллиардга, яъни 70 фоизга ўсган. Халқаро туризмдан олинмадан даромад эса 39,1 миллиард евродан 41,8 миллиард еврога кўпайган.

Францияга йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлар ташриф буюради. Мамлакат тоғ-чағи қурорт зоналари йил давомида хизмат кўрсатиш имкониятига эгалиги билан ажралиб

туради. Ўз навбатида, меҳмонхоналарда чет элликларни қабул қилишда ҳар йили ўртача 2-3 фоиз ўсиш қайд этилади.

Шу боис мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантиришда Франция тажрибасини ўрганиш, ҳамкорликда қатор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатларимизнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги 2011 йил ноябрь ойида имзоланган ўзаро ағлашув меморандуми асосида амалга оширилмоқда. Унга кўра, томонлар Ўзбекистон ва Францияда туризмни ривожлантириш, сайёҳлик компаниялари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш, туризмга инвестициялар жалб қилишда ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизга энг кўп сайёҳ Франциядан келади. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Франциялик сайёҳларнинг келиши икки баробар кўпайиб, 11 мингдан ортиди.

Франциянинг туризм соҳаси вакиллари билан доимий мулоқот йўлга қўйилган. Юртимизда ўтказиладиган аънавий «Ипак йўлида туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида ушбу мамлакат вакиллари мунтазам иштирок этади. Шу кунга қадар «Мега-инфо-турлар» дастури доирасида Франциянинг 200 дан ортиқ сайёҳлик компанияси юртимизда бўлди.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Франциянинг «Petit Fute» наشريёт уйи ўртасида «Petit Fute Mag» журналида мамлакатимиз ҳақида материаллар жойлаштириб бориш тўғрисида битим имзоланганини алоҳида қайд этиш керак.

Франциялик сайёҳларга Ўзбекистонга келиш учун визасиз режим жорий этилгани юртимизга ушбу мамлакат туристлари оқимининг кўпайиши, маданий мулоқот, Ўзбекистон туризм брендининг хорижда янада оммалашшида муҳим аҳамият касб этади.

**Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.**

ФРАНЦИЯ ДУНЁНИНГ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН 7 ДАВЛАТИДАН БИРИ

Франция Республикаси Ғарбий Европадаги давлат. Ғарбда ва шимолда Атлантика океани ҳамда Ла Манш бўғози, жануби Ўрта ер денгизи билан ўралган. Майдони 547,03 минг кв.км. Аҳолиси 66,7 млн. киши (2016). Пойтахти — Париж шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 22 регион (вилоят), 96 департаментга бўлинган.

Амалдаги конституцияси 1958 йил референдумда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Президент. У умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади ва яна бир марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент икки палата (Миллий мажлис ва Сенат)дан иборат. Ижро ҳокимиятини Президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Францияда фойдали қазилмалардан кўмир, темир рудаси, уран, табиий газ, волфрам ва сурма, талк хом ашёси, кўроқшин, олтингургурт ва рух бор. Нефть ва газ жуда кам миқдорда.

Иқлими асосан уч хил: океан, континентал ва денгиз иқлими. Франция иқлими қишлоқ ҳўжалиги учун қулай. Мамлакатнинг кўп қисмида океан иқлими, Ғарб ва шимолда Атлантика океанидан нам ҳаво оқими келиб, мўътадил иқлимни ҳосил қилади: ёзда салқин, қишда илқ. Йил бўйи ёмғир ёғиб туради.

Аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи французлар; шунингдек, элзас ва лотаринг, каталон, бретон, фламанд ва басклар ҳам яшайди. 3,5 миллион муҳожири (жазонир, португал, италян, испан, арман ва бошқалар) бор. 4 миллион мусулмон истиқомат қилади. Расмий тили — француз тили. Шаҳар аҳолиси 73 фоиз. Аҳолининг 80 фоиз христиан (католик), 5 фоизга яқини мусулмон, 2 фоиз протестант, 1 фоиз яҳудий. Йирик шаҳарлари: Париж, Марсел, Лион, Тулуза, Ницца, Нант, Страсбург, Бордо, Монпелье, Лилл.

Франция — юксак даражада ривожланган индустриал аграр мамлакат. Жаҳондаги энг ривожланган етти давлатдан бири. Франция саноат ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Япония ва Германиядан сўнг дунёда 4-ўринни эгаллайди. Асосий ишлаб чиқариш тармоқлари: аэрокосмик саноати, машинасозлик (авиасозлик, кемасозлик), электрон техника, радио-электроника, қора ва рангли металлургия, кимё ва фармацевтика маҳсулотлари, тўқимачилик, тикувчилик, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси кабилар.

Темир йўл узунлиги 42000 километрдан ортиқ. Соатига 300 км йўл босадиган тезкор поезд Париж ва Франциянинг бошқа шаҳарларини Англия, Бельгия, Нидерландия, Германия билан боғлайди. Ички юқларнинг аксар қисми автомобилда ташилади. Автомобиль йўллари узунлиги 812,7 минг километр. Париж, Лондон, Марсел, Ницца, Страсбург ва Тулузада йирик аэропортлар бор. Сена, Рейн дарёларида, Сена-Север, Марна-Рейн каналларида кема қатнайди. Йирик денгиз портлари: Марсел, Гавр, Донкерк, Руан, Нант, Сен-Назер, Бордо. Ички сув йўллари узунлиги 8,6 минг километр.

Франция четта электрон ва маҳсул машина, ускуналар, самолёт, темир ва пўлат, офис машиналари, дон маҳсулотларини қайта ишлаш воситалари, алкоғолли ичимликлар, газлама, пишлоқ, гўшт, сут, кийим-кечак, пойабзал, атр-упа каби маҳсулотларни экспорт қилади. Четдан ёнлиги, саноат хом ашёлари, транспорт жиҳозлари, машиналар, истеъмол моллари келтирилади. Ташқи савдода Европа Иттифоқи мамлакатлари: Белгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия, Испания, шунингдек, АҚШ ва Япония билан ҳамкорлик қилади. Францияда халқаро туризм ривожланган: йилига 50 миллион киши келиб кетади. Пул бирлиги — франк.

Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

ФРАНЦИЯДА ЎҚИГАН ЎЗБЕК ЎГЛОНИ

XIX асрнинг адоғида, 1893 йилда Амударёнинг чап соҳилидаги Тўртқўл шаҳридан йигирма нафар йигит Европага йўл олади. Улар Франциянинг Тулуза шаҳридаги сув хўжалиги коллежида таҳсил олиш учун юборилаётганди. Бу ёшлар орасида маҳаллий миллат вакилларида ягона 19 яшар Мухаммад Аминаддин ўғли ҳам бор эди.

Хива хонлигида мироблик нақадар улуғ ва нуфузли мартаба бўлганини тарихий битиклардан яхши биламиз. Асосий тирикчилиги ерга, деҳқончиликка боғланган ҳудудда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Хонлиқнинг сўнгги юз йиллик тарихида Тоғай мироб, Шермухаммад мироб (машҳур шоир ва тарихчи Мунис), Султон мироб, Мухаммадризо мироб (машҳур шоир Огаҳий) ва бошқалар шу вазифада ишлаганлар. Сугориш ишлари тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган қадим воқеада бу касб аксар ҳолларда отадан болага мерос бўлиб ўтган. Мироблар махсус бир мактабда ўқимаган, ота-боболаридан кўрган, ўрганганларини ҳаётга татбиқ этишган, ҳолос.

Шу маънода йигирма уч яшар йигитга ҳавас қилиш мумкин эди. Чунки у Франциянинг Тулуза шаҳридаги коллежда тўрт йил ўқиб, ирригатор, сув мутахассиси дипломини олган. Айни пайтда Истанбулда амалиёт ўтаган, ёзи таътил вақтида муқаддас ҳаж зиёратини ҳам адо этганди.

Мухаммаднинг отаси Аминаддин Ёқуб ўғли дарё ортидаги Шўраҳон улусида оқсоқол вазифасида ишларди. Отаси илм олишга иштиёқманд ўғлини Хивадаги Арабхон мадрасасида ўқитади. Таҳсил жараёнида ёш Мухаммад Куръони карими ёд олади. Кейинчалик рус-тузем мактабиди ўқийди.

Дарё бўйида туғилиб ўсган Мухаммад Тулузадаги коллежда ўқиган вақтида гарб мамлакатлари, хусусан Франциянинг сугорма деҳқончилиги тажрибаси айнан шарқ тажрибаси билан уйғунлашганини, улардаги ўхшаш томонларни кўради. Фаранг олимлари, ирригаторларининг Миср, Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатларида амалда қўлланилган тажрибалари асосида ёзилган китоб ва дарсликларини мутолаа қилади.

Францияда ўқиб, диплом олиб юртига қайтган ёш мутахассиси Амударё флотилиясида даргалар тайёрлаш курсига раҳбарликка тайинлашди.

Соний унинг ўрнига 27 яшар ўғли Мухаммад ҳожини ҳокимликка маъқул қўради.

...Яқинда Мухаммад ҳожини Аминаддин ўғлининг АҚШда таҳсил олаётган чевараси Санобархон Худойберганава Калифорния университети кутубхонасидан немис олими Эрик Зигмайернинг 1905 йилда Берлинда чоп қилинган «Туркистон, Бухоро ва Хивага саёҳат» номли катта ҳажмдаги саёҳатномасини топди. Муаллифнинг ёзишича, у 1903 йили Хонқа ҳокими Мухаммад ҳожини Аминаддин ўғли билан биргаче 25 завод ва фабрика қурилган. Айни пайтда 1912 йилдан 1920 йилгача унинг зиммасига хонлиқнинг бош мироби вазифасини бажариш ҳам юклатилган.

Хонлиқ тузуми тугатилгач, Мухаммад ҳожини бир муддат Шўрохондаги қишлоқларда мироблик қилган. 1937 йилнинг куз ойларида қатагонга учрайди, ҳибсга олиниб, ўн йилга кесиб юборилади ва Заңгиотадаги Туясарой ҳибсхонасида вафот этади.

Бундан бир юз йигирма беш йил муқаддам Европада таҳсил олган биринчи ўзбек ирригаторининг тақдири шундай аянқлидир. Истиқлол йилларида унинг юрт тарихидаги ўрни, элига қилган хизматлари ўрганилиб, илмий рисоалар, тарихий хотиралар яратилди, ҳужжатли фильм суратга олинди, роман-эссе чоп қилинди.

Машҳур мироб ҳақида замондошлари ёзиб қолдирган ёдномалар ҳам талайгина. Рус олими А.Самойловичнинг ёзишича, «Мухаммад ҳожини хориждаги сиёсий жараёнлардан яхши хабардор, нафақат хабардор, балки бу борада ўз қарашларига эга шахс эди». Яна бир рус олими Н.Ликшин ўз хотираларида Мухаммад ҳожининг яшаш тарзи ва фарзандларига замонавий билим беришга ҳаракат қилишига эътибор қаратган. Москвада чоп қилинган «Новый вестник» журналининг 1923 йил 3 сонидида Мухаммад ҳожини Аминаддин ўғли раҳбар бўлган Хоразм республикасининг зироатчилик вазирлиги ишларига юқори баҳо берилган.

Биз ўз ўтмишимизни ҳали ҳанузгача яхши ўрганмаганмиз, тарихнинг биз билган ва билмаган саҳифалари оз эмас. Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистон учун Францияга йўл кеча ё бугун эмас, балки анча замонлар илгари очилган. Францияда ўқиб, ўзи туғилиб ўсган юртига бир умр хизмат қилган Мухаммад ҳожини сингари кўплаб зиёли ва ҳуффиқрий инсонларни мустабид тузум жисман йўқотди. Лекин уларнинг хизматлари, ватанпарварликлари бугунги авлод билиши ва қадрлаши керак, деб ўйлаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратда: Мухаммад ҳожини Аминаддин ўғли сафдошлари билан (чапдан иккинчи), 1927 йил.

Биринчи ўзбек оператори Худойбергана Девонов архивидан.

Уша вақтда хонлиқдан ташқарига жўнатилаётган ва воҳага олиб келинаётган барча юклар кемаларда ташилган. Демак, Орол денгизидида портларга ва Чоржўй шаҳригача қатнаётган кемаларни бета-лофат манзилга етказиш учун мутахассис даргаларга зарурият сезилган. Тарихий манбаларда уша вақтда флотилия ихтиёрида 220 катта-кичик кема бўлгани келтирилади. Уч йил ичида уларнинг сони 315 тага етган. Демак, кемалар учун даргалар тайёрлаш давр тақозоси бўлган. Мазкур курсда уч йил мобайнида юзга яқин тажрибали дарга тайёрланди.

Аммо тақдир ёш мутахассис пешонасига бошқача қисматни ёзади. 1900 йили хонлиқнинг Хонқа беқлиги ҳокими бўлиб ишлаётган отаси Аминаддин Ёқуб вафот этган, Хива хони Мухаммад Раҳимхон

наддин ўғли хонадонидида меҳмон бўлган ва унинг ниҳоятда бой кутубхонасидан хайратга тушган. Унинг эътирофи ёзишича, бу кутубхонада нафақат Шарқ, балки Европада чоп қилинган китоблар, вақтли нашрлар сақланган. Булар шунчаки безак бўлмаган, балки мутолаа қилинган. Негаки, Мухаммад ҳожини Аминаддин ўғли беш тилни билган. Унинг ақл-заковатидан хайратланган немис олими куйидагиларни ёзиб қолдирган: «Биз немислар шарқликларга баъзан нописанд қараймиз. Аммо Мухаммад ҳожини Аминаддин ўғлининг билими, дунёқараши европаликларникидан устун эди».

Мухаммад ҳожини беқликда салкам йигирма йил ҳокимлик қилади. 25 минг аҳоли яшайдиган ҳудудда шу муддатда пахта ва кўнни қайта ишлайдиган

РЕКЛАМА



QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT



ISTE`MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!

Ma`lumot uchun:

(+998 71) 150-93-39.

WWW.QQB.UZ

Xizmatlar litsenziyalangan



EMMM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОХЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузелтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.

Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.

Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темури кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Ўрташиқ кишлоғи ЭММХ, телефон: 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: 230-64-77.



БУТУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА

Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа-мўҳиди уйи томонидан «Тарқиёт стратегияси ва замонамиз қаҳрамони» ижтимоий лойиҳаси доирасида ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг «Бу ерларда ҳаёт бошқача», Исажон Султоннинг «Ҳазрати Хизр изидан», Луқмон Бўрихоннинг «Титраётган тоғ» ҳамда Абдуқайом Йўлдошевнинг «Осмон оғуши» номи асарлари чоп этилди. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мазкур китобларнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

— Ушбу асарларда турли соҳаларда ўз касбининг моҳир устаси, замон билан ҳамнафас, оддий инсонларнинг ҳаёти рангли бўёқларда тасвирланади, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Собир Шукуров. — Абдуқайом Йўлдошевнинг «Осмон оғуши» асарида Жиззах дашти биёбонларида орзуларга берилган болаликнинг юксак қалби қаламга олинади. Ҳаёт машаққатини, турмуш ташвишларини мардонавор енгиб ўтган бола учувчи бўлиб етишади. У ўз мақсадига эришгунча қанчадан-қанча машаққатларга учрайди.

— Исажон Султоннинг «Ҳазрати Хизр изидан» номи китобида ўзимизнинг замонамизда, биз ҳар кун кўриб турадиган одамлар тасвирланади, — дейди ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими Сувон Мели. — «Генетик» романида ўзигини, ўзбек халқининг дунё тамаддунининг асосини эканлигини бутун дунёга ўқитиётган қаҳрамон ўзимизнинг замондошимиз, юртдошимиз. Асар қаҳрамони дунё яратилишини билишнинг ягона сабаби, кишининг халқи қадимий эканлиги бу генетикага боғлиқ, деб ҳисоблайди ва бу таъминини исботлайди. Одам ўзини, ўз юртини севса, қаҳрамонга айланади — мана шундай ишлар қилади. Ватанини билмаганга билдириш, танимаганга танитиш ҳам қаҳрамонлик.

Йўл қўрган жаннати, дейдилар. Йўллардан қанча кўп одам юрса, савоби шунча кўп, дейишади. Луқмон Бўрихоннинг «Титраётган тоғ» асарида «Тошкент — Қумқўрғон» темир йўли қурилишида соҳа ходимларининг меҳнат фаолияти, ҳаёти, яшаш тарзи, касбга садоқати моҳирона қаламга олинган.

— Қўчқор Норқобилнинг «Бу ерларда ҳаёт бошқача» китоби жонажон Ўзбекистонимиз ва унда яшаётган одамлар ҳақида — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Узоқ Жўрақулов. — Китобда «Ўқ томир» деган киноқисса ҳам бор. Бу асарни бемалол Ватан, чегара ҳимоячилари ҳақида битилган асарларнинг энг яхшиси деб айтиш мумкин. Дунёда туйғулар, муқаддас нарсалар кўп, лекин энг буюк туйғу, энг улуғ туйғу — бу Ватан туйғусидир. Чегарачилар ҳаётдан ҳикоя қилувчи бу асар ўқувчиларни ўзига сеҳрлаб олади, деб ўйлайман.

Умуман тўрттала китобда ҳам, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

«ЎЗШАРОБСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ

Ташиқ иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси ва бўлимларига олий маълумотли (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент шаҳридаги Г.В.Плеханов номи Россия иқтисодиёт университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти), энг камида 3 йил иш стажига эга бўлган, рус, инглиз ва қўшимча чет тилларини мукамал биладиган, турли чет давлатлари билан шартнома ва битимларни тузишда иштирок этган ҳамда ҳужжатларни ўзбек ва рус тилларида юқори даражада олиб борадиган мутахассисларни ишга тақлиф қилади.

Хизматлар лецизияланган

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@ozbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038. 6504 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 03:20.

Topshirilgan vaqti — 04:25.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2018-7639



Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 5 6